В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ИМОМКУЛОВ АНВАР НОРБОБОЕВИЧ

ЧЕКЛИ ЎЛЧОВЛИ АЛГЕБРАЛАРНИ ЭВОЛЮЦИОН АЛГЕБРАЛАР БИЛАН АППРОКСИМАЦИЯЛАШ

01.01.06 – Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 512.554

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of thesis abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ИМОМКУЛОВ АНВАР НОРБОБОЕВИЧ

ЧЕКЛИ ЎЛЧОВЛИ АЛГЕБРАЛАРНИ ЭВОЛЮЦИОН АЛГЕБРАЛАР БИЛАН АППРОКСИМАЦИЯЛАШ

01.01.06 – Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/FM315 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Аюпов Шавкат Абдуллаевич** физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Худойбердиев Аброр Хакимович** физика-математика фанлари доктори
	Каримжанов Икболжон Абдулазизович физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	**Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика Институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» феврали соат 16:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4б-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (111-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4б-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40.

Диссертация автореферати 2021 йил «3» февраль куни тарқатилди.
(2021 йил «3» февраль даги 2-рақамли реестр баённомаси).

У.А.Розиков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.н

Б.А.Омиров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар кўпгина ҳолларда ноассоциатив алгебралари ва алгебраик системалар назариясидан фойдаланиб баъзи алгебраларни тадқиқ қилишга келтирилади. Алгебраик воситалар квант механикасидаги элементар зарраларни, қаттиқ моддалар ва кристалларнинг хусусиятларини ўрганишда, популяция генетикаси муаммоларида, иқтисодиётнинг моделлашган муаммоларини таҳлил қилишда ва бошқа масалаларда кенг қўлланилади. Замонавий алгебра чекли группалар ва чекли ўлчовли ассоциатив алгебралар назариясига асосланади. Кейинчалик, алгебраик системаларнинг ривожланиши ҳамда уларнинг математика ва физиканинг бошқа соҳалари билан алоқалари янги алгебраларнинг, жумладан альтернатив, Йордан, Ли, Лейбниц, генетик ва эволюцион алгебраларининг пайдо бўлишига олиб келди. Эволюцион алгебралар генетика популяциясини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун алгебраларнинг баъзи хоссаларини эволюцион алгебралар билан яқинлаштириш орқали ўрганиш долзарб ва муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида замонавий алгебранинг муҳим йўналишларидан бири эволюцион алгебралар назариясини тадқиқ қилишдир. Эволюцион алгебралар математиканинг бошқа соҳалари, жумладан графлар назарияси (хусусан, тасодифий графлар ва тармоқлар), группалар назарияси, Марков жараёнлари, динамик системалар билан боғлиқ. Эслатиб ўтамизки, эволюцион алгебралар синфи биринчи марта Любич томонидан 1992 йилда (evolutionary algebras номи билан) таклиф қилинган. 2008 йилда Тиан ўзининг монографиясида эволюцион алгебра атамасини ишлатиб, бу алгебраларнинг татбиқлари ва баъзи хоссаларини келтириб ўтган. Шундан сўнг эволюцион алгебраларга қизиқиш кескин ортиб кетди. Шуни таъкидлаш керакки, Тиан тадқиқотларининг асосий йўналиши эволюцион алгебраларнинг татбиқий муаммоларига бағишланган эди. Шу билан бирга чекли ўлчовли алгебраларнинг бирор кўпхиллигини ўрганишга табиий ёндашиш, масалан, структуравий назарияни қуриш у томонидан қаралмаган эди. Структуравий назарияни ўрганишга бағишланган дастлабки натижалар Ш.А.Аюпов, Б.А.Омиров, У.А.Розиков, Ж.М.Ладраларнинг ишларида пайдо бўлди. Хусусан, 2 ўлчовли комплекс эволюцион алгебраларининг таснифи олинган, нильпотент эволюцион алгебраларининг классик хоссалари тавсифланган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда фундаментал фанларниниг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган математика, физика, геология ва биология фанларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, популяцион биология ва генетикада учрайдиган асосий объектлардан бири бўлган эволюцион алгебралар назариясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Эволюцион алгебралар ва уларнинг занжирларини ўрганиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. «Алгебра ва функционал анализ» фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда эволюцион алгебралар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сонли Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори, 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сонли Қарори ва 2020 йил 7 майдаги «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4708-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда классик конструкцияларнинг ноассоциатив муқобиллари математика ва физиканинг кўплаб соҳаларида қўлланилиши билан боғлиқлиги қизиқиш уйғотмоқда. Математик методлар популяция генетикасида узоқ вақтдан бери муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Популяция генетикаси масалаларига математик ёндошув доирасида олиб борилган тадқиқотлар Мендел қонунларига асосланади. Мендел алгебраик нуқтаи назардан ўзининг генетик қонунларини ифодалашни таклиф қиладиган символларни ишлатган. Шундай қилиб, математиклар ва генетиклар бир пайтлар Мендел генетикасини ўрганиш учун ноассоциатив алгебралардан фойдаланганлар ва кейинчалик баъзи бошқа муаллифлар уни “Мендел алгебралар” деб аташган.

Чекли ўлчовли алгебраларни эволюцион алгебралари билан яқинлаштириш тушунчалари ҳали киритилмаган эди. Аммо бу турдаги эволюцион алгебра биринчи марта М.В.Веласко ва У.А.Розиковларнинг “чивинлар популяцияси алгебраси” учун ёзган ишларида киритилган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ушбу тушунчага тегишли асосий муаммо берилган алгебралар ва уларга мос келадиган эволюцион алгебраларнинг ўхшаш хоссаларини топишдир.

2019 йилнинг октябр ойида Испаниянинг Гранада Университетига амалиёт ўташ пайтимда профессор У.А.Розиков ва профессор В.М.Веласколар (Гранада университети, Испания) муҳокамаси натижасида уч ўлчовли эволюцион алгебралар занжирларини тадқиқ қилиш ғояси илгари сурилди.

М.Касас, М.Ладра ва У.Розиковлар томонидан эволюция алгебралари занжири тушунчаси киритилган ва бундай занжирларнинг кенг синфи қурилган. Бундай занжирларнинг бир нечта хусусиятларини ушбу муаллифлар ва Ш.Н. Муродов, Б.А. Омиров, К.М. Туленбаев ўрганишган.

Икки ўлчовли эволюцион алгебралари занжирларига оид биринчи натижалар Ш.Н.Муродовнинг PhD диссертациясида олинган. Яъни, ушбу диссертацияда муаллиф “жўжа популяцияси”нинг эволюцион алгебралари занжирларини қурган ва “жўжа популяцияси”нинг эволюцион алгебралари занжирларининг вақт динамикасини ўрганган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти В.И.Романовский номидаги Математика институтининг ОТ-Ф4-82 + ОТ-Ф4-87 «Операторли ва ноассоциатив алгебралар локал дифференциаллашлари ва автоморфизмлари, чизиқли бўлмаган динамик системаларда фазали ўтиш ва тартибсизлик» + «Евклид ва псевдо-Евклид фазоларидаги эгри чизиқлар ва уларнинг механикада қўлланилиши» (2017-2019 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади баъзи чекли ўлчовли алгебраларни эволюцион алгебралар билан аппроксимациясини ва уч ўлчовли эволюцион алгебралар занжирларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

икки ва уч ўлчовли эволюцион алгебралар аппроксимациясини тадқиқ қилиш;

ихтиёрий алгебранинг эволюцион алгебралар билан аппроксимациясининг абсолют нильпотент элементларини тадқиқ қилиш;

нильпотент Лейбниц алгебрасининг эволюцион алгебра билан аппроксимациясини тадқиқ қилиш;

уч ўлчовли эволюцион алгебралар занжирларини тавсифлаш;

эволюцион алгебралар занжирларида бариклик хоссалари, абсолют нильпотент ва идемпотент элементлар тўпламларининг вақтга боғлиқ динамикасини таснифлаш.

Тадқиқотнинг объекти чекли ўлчовли эволюцион ва Лейбниц алгебралардан ҳамда уч ўлчовли эволюцион алгебралар занжирларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети икки ва уч ўлчовли ҳақиқий эволюцион алгебралар, икки ва уч ўлчовли нильпотент Лейбниц алгебралари, эволюцион алгебраларнинг абсолют ва идемпотент элементлар тўпламидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ассоциатив бўлмаган алгебралар назарияси, ночизиқли динамик системалар назарияси, структуравий таснифлашлар ва инвариантлар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳақиқий сонлар майдони устида берилган уч ўлчовли эволюцион алгебралари таснифланиб, ва уларнинг идемпотентларига мос келадиган аппроксимацион эволюцион алгебралар ўртасидаги изоморфизмлари қурилган;

нильпотент бўлган эволюцион алгебранинг аппроксимацияси ҳам нильпотент эканлиги исботланган;

икки ва уч ўлчовли нильпотент Лейбниц алгебраларининг аппроксимацияси нильпотент эволюцион алгебра эканлиги исботланган;

уч ўлчовли эволюцион алгебралар занжирлари ва уларнинг абсолют нильпотент ҳамда идемпотент элементлари тўпламларининг вақтга боғлиқ динамикаси берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Диссертация назарий характерга эга бўлиб, олинган натижалар ва усулларни олий ўқув юртлари магистрантлари ва докторантлари учун махсус курсларни ўқишда қўллаш мумкин. Бундан ташқари, уч ўлчовли эволюцион алгебраларнинг ҳақиқий майдонда олинган таснифи ва қурилган уч ўлчовли эволюцион алгебралар занжири ушбу алгебралар ўртасидаги изоморфизмларни текширишга ва биологик ҳамда физик жараёнлар эволюциясини бу алгебралар тилида ўрганишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги алгебра, ночизиқли анализ, чизиқли ва эволюцион алгебралар усуллари ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган. Олинган натижаларнинг исботлари математик жиҳатдан тўғри.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишда олинган илмий натижалар алгебраларнинг бошқа занжирларини кейинги тадқиқотлари учун ишлатилиши мумкин. Хусусан, ушбу диссертацияда ривожлантирилган техника ва усуллардан барча эволюцион алгебраларининг занжирларини топишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалардан эволюцион алгебраларининг занжирлари ёрдамида ифодаланадиган биологик ва физик жараёнлар эволюциясини таснифлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олинган натижалар қуйидаги илмий лойиҳаларида фойдаланилган:

уч ўлчовли эволюцион алгебраларнинг ҳақиқий сонлар майдонида олинган таснифидан MTM2016-76327-C3-2-P (AEI\FEDER, UE) рақамли хорижий лойиҳасида икки ва уч ўлчовли комплекс эволюцион алгебралар таснифини олишда фойдаланилган (Гранада университети, математика факультетининг 2020 йил 30-ноябрдаги маълумотномаси, Испания). Илмий натижанинг қўлланилиши комплекс эволюцион алгебраларнинг сони изоморфизм аниқлигида чеклита эканлигини кўрсатиш имконини берган;

икки ва уч ўлчовли нильпотент Лейбниц алгебраларининг аппроксимацияси нильпотент эволюцион алгебра эканлигидан ЁФА-Фтех-2018-77 рақамли лойиҳада ярим содда ва нильпотент алгебраларининг когомологик группаларини ўлчамларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг 2021 йил 12 январдаги 2/1255-84 сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши содда Лейбниц алгебраси учун иккинчи когомологик группасининг тривиаллигини исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Икки ва уч ўлчовли эволюцион алгебраларни эволюцион алгебралар билан аппроксимациялаш”** деб номланувчи биринчи бобида икки ва уч ўлчовли ҳақиқий эволюцион алгебралар аппроксимациясига доир баъзи хоссалар келтирилган. Икки ўлчовли эволюцион алгебраларни изоморфизм аниқлигидаги таснифи келтириб ўтилган ва уч ўлчовли эволюцион алгебраларни ҳақиқий сонлар майдонида $dimA^2=1$ бўлган ҳолда таснифланган. Шунингдек, уларнинг аппроксимацияси ва улар орасидаги изоморфизмлари ўрганилган.

$(A,\cdot)$ бирор K майдон устидаги алгебра бўлсин. Агар

$$e_i\cdot e_j=0,\ \textit{агар}\ \ i\neq j$$
$$e_i\cdot e_i=\sum_k a_{ik}e_k,\ \textit{барча}\ i\ \textit{ларда}$$

шартни қаноатлантирувчи $e_1,e_2,\ldots,e_n,\ldots$базис мажуд бўлса у ҳолда бу алгебрага *эволюцион алгебра* дейилади. Бу базисга эса табиий базис дейилади.

Таъкидлаб ўтамизки, ҳар бир эволюцион алгебрага (a_{ik})структуравий константалар *квадрат* матрицаси мос келади. Бу эса умумий алгебра билан таққослаганда эволюцион алгебрани тадқиқ қилишни осонлаштиради. Чунки, умуман олганда алгебранинг кўпайтириш жадвали *кубик* матрица билан берилади.

Чизиқли бўлмаган динамик системани ўрганишда чизиқлаштириш – бу чизиқли бўлмаган акслантиришни чизиқлиси билан аппроксимациялашдир, яъни чизиқли бўлмаган акслантиришни унинг қўзғалмас нуқтасидаги Якобиани қаралади. Диссертацияда чекли ўлчовли алгебрани структуравий константалар кубик матрицасига мос квадратик оператор учун чизиқлаштиришдан фойдаланамиз. Квадратик операторнинг алгебранинг бирор нуқтасидаги Якобианига мос чизиқли оператор ёрдамида эволюцион алгебралар оиласини қурамиз. Берилган умумий алгебра ва унга мос эволюцион алгебралар орасидаги боғланишни келтирамиз.

Энди алгебрани эволюцион алгебра билан аппроксимацияси тушунчасини киритамиз. Бирор K майдон берилган, ҳар бир чекли ўлчовли A алгебра изоморфизм аниқлигида ўзининг ўлчови (айтайлик m) ва m^3 та структуравий константалари $\gamma_{ij,k}\in K$ билан аниқланади. Бу структуравий константалар A алгебранинг $\{e_1,\ldots,e_m\}$ базисдаги кўпайтмаларини қуйидаги қоида билан аниқлайди:

$$e_ie_j=\sum_{k=1}^{m}\gamma_{ij,k}e_k.$$

Шундай қилиб, чекли ўлчовли алгебраларнинг кўпайтмалари $(\gamma_{ij,k})$ кубик матрица билан берилади.

Шунингдек, бу матрица ёрдамида $F:K^m\to K^m$ эволюцион оператор қуйидагича аниқланади:

$$F: x_k'=\sum_{i,j}\gamma_{ij,k}x_ix_j,\ \ k=1,\ldots,m.$$

Умуман олганда, A алгебра ва F квадратик операторни ўрганиш уларнинг кубик матрицалар орқали аниқланганлиги сабабли мураккаблик туғдиради. Аммо, $\gamma_{ij,k}$ нинг баъзи қийматларини нолга тенглаштириб, тадқиқ қилишни осонлаштириш мумкин. Баъзи бир глобал ва локал хосссаларни ўрганиш учун F операторга ўхшаш чизиқли бўлмаган функциялар, одатда Якобиан ёрдамида чизиқли функцияга “алмаштирилади”.

Бу операторнинг $\mathrm{x}=(x_1, x_2, ..., x_n) \in \mathrm{A}$ нуқтадаги Якобиани қуйидагичадир:

$$J_F(\mathrm{x}) = \left(\sum_j \gamma_{pj,k} x_j + \sum_i \gamma_{ip,k} x_i \right)_{p,k=1}^n = \left(\sum_{i=1}^n (\gamma_{pi,k} + \gamma_{ip,k}) x_i \right)_{p,k=1}^n .$$

Бу квадрат матрица бўлганлиги сабабли структуравий матрицаси $J_F(\mathrm{x})$ бўлган эволюцион алгебрани аниқлашимиз мумкин. Бунинг учун қуйидагича

$$\beta_{pk}(\mathrm{x}) = \sum_i (\gamma_{pi,k} + \gamma_{ip,k}) x_i \qquad (1)$$

белгилаш орқали $E_x = span\{\tilde{e}_1, \tilde{e}_2, ..., \tilde{e}_n\}$ эволюцион алгебрани

$$\tilde{e}_i \tilde{e}_j = 0, \ \tilde{e}_i^{\,2} = \sum_k \beta_{ik}(\mathrm{x}) \tilde{e}_k .$$

кўпайтма билан аниқлаймиз.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу типдаги эволюцион алгебра биринчи марта У.А.Розиков ва М.В.Веласколарнинг мақоласида “чивинлар популяцияси алгебраси” учун аниқланган.

1-Таъриф. *Юқоридагича аниқланган* E_{x} *эволюцион алгебра* A *алгебранинг* x *нуқтадаги аппроксимацияси дейилади*.

Шундай қилиб, A ва E_{x} орасидаги боғлиқлик (1) тенглик билан аниқланади.

Диссертациянинг **асосий саволи** “Бирор $\mathrm{x} \in \mathrm{A}$ учун E_{x} эволюцион алгебранинг хоссаларини билган ҳолда $(\gamma_{pi,k})_{p,i,k=1}^n$ структуравий константалар матрицасига эга бўлган ва (1) муносабат билан боғланган A алгебра ҳақида нима дейиш мумкин?”

E ҳақиқий сонлар майдонидаги 2 ўлчовли эволюцион алгебра бўлсин. Бундай алгебралар Ш.Муродов томонидан қуйидагича таснифланган:

Ҳар қандай E *икки ўлчовли ҳақиқий эволюцион алгебра қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган алгебралардан бирига изоморфдир:*

(i) $dim(E^2) = 1$:

E_1: $e_1 e_1 = e_1$, $e_2 e_2 = 0$;

E_2: $e_1 e_1 = e_1$, $e_2 e_2 = e_1$;

E_3: $e_1 e_1 = e_1 + e_2$, $e_2 e_2 = -e_1 - e_2$;

E_4: $e_1 e_1 = e_2$, $e_2 e_2 = 0$;

E_5: $e_1 e_1 = e_2$, $e_2 e_2 = -e_2$;

(ii) $dim(E^2) = 2$:

$E_6(a_2;a_3)$*:* $e_1e_1=e_1+a_2e_2$, $e_2e_2=a_3e_1+e_2$; $1-a_2a_3\neq 0$, $a_2,a_3\in\mathrm{R}$. *Бундан ташқари* $E_6(a_2;a_3)$ *алгебра* $E_6(a_3;a_2)$ *алгебрага изоморфдир.*

$E_7(a_4)$*:* $e_1e_1=e_2$, $e_2e_2=e_1+a_4e_4$, *бу ерда* $a_4\in\mathrm{R}$*;*

Энди бу маълум эволюцион алгебраларнинг ҳақиқий (координаталари ҳақиқий) қўзғалмас нуқталаридаги аппроксимацияларини қурамиз. F эволюцион операторнинг нолмас ҳақиқий қўзғалмас нуқталарини қараймиз. Юқоридаги таснифлашда берилган $E_i, i=1,2,\ldots,7$ эволюцион алгебралар учун F эволюцион операторнинг қўзғалмас нуқталарини $(x_1^0;x_2^0)$ орқали белгилаймиз ва бу қўзғалмас нуқталарга мос эволюцион алгебралар билан бошқа эволюцион алгебраларнинг изоморфизмлари ўрганилади.

$E_i, i=1,2,\ldots,7$ эволюцион алгебраларнинг аппроксимацияларини $\tilde{E}_i$ орқали белгиласак, у ҳолда қуйидаги теорема ўринлидир.

1-Теорема.

$i)$ $\tilde{E}_1$, $\tilde{E}_2$ *ва* $\tilde{E}_5$ *эволюцион алгебралар* E_1 *алгебраа изоморфдир;*

$ii)$ $\tilde{E}_6(a_2;a_3)$ *алгебра* $E_6(b_2;b_3)$ *эволюцион алгебрага изоморфдир, бу ерда* $b_2=a_3\left(\frac{x_2^0}{x_1^0}\right)^2$, $b_3=a_2\left(\frac{x_1^0}{x_2^0}\right)^2$*;*

$iii)$ $\tilde{E}_7(a_4)$ *алгебра* $E_7(b_4)$ *алгебрага изоморфдир, бу ерда* $b_4=a_4\sqrt[3]{\left(\frac{x_2^0}{x_1^0}\right)^2}$.

Энди уч ўлчовли ҳақиқий эволюцион алгебраларни $dim(E^2)=1$ шартда таснифини келтирамиз .

2-Теорема. *Ҳар қандай* $dim(E^2)=1$ *шарт билан берилган* E *уч ўлчовли ҳақиқий эволюцион алгебра қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган алгебралардан бирига изоморфдир:*

$$E_1:\begin{pmatrix}1&1&0\\-1&-1&0\\0&0&0\end{pmatrix},\ E_2:\begin{pmatrix}1&1&0\\-1&-1&0\\1&1&0\end{pmatrix},\ E_3:\begin{pmatrix}1&1&0\\-1&-1&0\\-1&-1&0\end{pmatrix},$$

$$E_4:\begin{pmatrix}1&0&0\\0&0&0\\0&0&0\end{pmatrix},\ E_5:\begin{pmatrix}1&0&0\\0&0&0\\1&0&0\end{pmatrix},\ E_6:\begin{pmatrix}1&0&0\\0&0&0\\-1&0&0\end{pmatrix},\ E_7:\begin{pmatrix}1&0&0\\1&0&0\\1&0&0\end{pmatrix},$$

$$E_8:\begin{pmatrix}1&0&0\\1&0&0\\-1&0&0\end{pmatrix},\ E_9:\begin{pmatrix}1&0&0\\-1&0&0\\-1&0&0\end{pmatrix},\ E_{10}:\begin{pmatrix}1&0&0\\-1&0&0\\1&0&0\end{pmatrix},$$

$$E_{11}:\begin{pmatrix}0&0&0\\0&0&0\\1&0&0\end{pmatrix},\ E_{12}:\begin{pmatrix}0&0&0\\1&0&0\\1&0&0\end{pmatrix},\ E_{13}:\begin{pmatrix}0&0&0\\1&0&0\\-1&0&0\end{pmatrix}.$$

Энди Теорема 2 даги $E_i, i=\overline{1,13}$ эволюцион алгебралар учун F оператор қўзғалмас нуқтасига мос эволюцион алгебралар қурамиз.

$E_i,\ i\in\{1,2,3,\ 11,12,13\}$ эволюцион алгебралар учун F операторнинг нолдан фарқли қўзғалмас нуқталари мавжуд эмас ва $E_i, i=\overline{4,10}$ эволюцион алгебралар учун F оператор нолдан фарқли ягона қўзғалмас нуқтага $(1;0;0)$ эга. Шунинг учун

$$J_F(1;0;0)=\begin{pmatrix}2&0&0\\0&0&0\\0&0&0\end{pmatrix}.$$

$J_F(1;0;0)$ матрицали эволюцион алгебра E_4 эволюцион алгебрага изоморфлигини кўриш қийин эмас.

Диссертациянинг **“чекли ўлчовли алгебраларни эволюцион алгебралар билан аппроксимациялаш”** номли иккинчи бобида ихтиёрий чекли ўлчовли алгебра учун эволюцион оперторнинг алгебра нуқтасидаги Якобианига мос эволюцион алгебралар оиласини қурганмиз. Алгебра хоссалари мос эволюцион алгебралар оиласи хоссалари билан қандай боғлиқлигига жавоб берувчи баъзи натижалар олинган. Бундан ташқари, икки ва уч ўлчовли нильпотент Лейбниц алгебраларига мос эволюцион алгебралари ҳам ўрганилган. Бундай эволюцион алгебралар ҳам нильпотент бўлишлиги исботланган. Шунингдек, бундай эволюцион алгебралар таснифланган.

Структуравий константалар матрицаси $M_{\mathrm{A}}=(\gamma_{pi,k})_{p,i,k=1}^{n}$ бўлган берилган A алгебра учун

$$I_{\mathrm{A}}=\{p\in\{1,2,...,n\}:\det\Gamma_p\neq 0\},$$

белгилашни оламиз. Бу ерда $\Gamma_p=\left(\gamma_{pi,k}+\gamma_{ip,k}\right)_{i,k=1}^{n}$.

$\mathrm{x}\in\mathrm{A}$ ни фиксирлаб, $a_p\equiv a_p(\mathrm{x})$ орқали (1.1) да аниқланган $(\beta_{pk}(\mathrm{x}))$ матрицанинг p-устунидан ташкил топган векторни белгилаймиз.

3-Теорема. *Берилган* $\mathrm{M}_E=\left(a_{pk}\right)$ *матрицали тривиал бўлмаган эволюцион алгебра* E *ва* $\mathrm{M}_{\mathrm{A}}=\left(\gamma_{pi,k}\right)$ *матрицали* A *алгебра учун (1) ни қаноатлантирувчи* $\mathrm{x}\in\mathrm{A}\setminus\{0\}$ *элемент фақат ва фақат*

$$\Gamma_p^{-1}\cdot a_p=\Gamma_q^{-1}\cdot a_q,\ \text{ихтиёрий } p,q\in I_{\mathrm{A}} \text{ учун}$$

ва

$$\mathrm{rank}\Gamma_p=\mathrm{rank}\left(\Gamma_p,a_p\right),\ \text{ихтиёрий } p=\{1,2,...,n\}\setminus I_{\mathrm{A}} \text{ учун}$$

бўлганда мавжуд.

E эволюцион алгебра учун қуйидаги кетма-кетликларни киритамиз

$$E^{[1]}=E^{<1>}=E,\ E^{[k+1]}=E^{[k]}E^{[k]},\ E^{<k+1>}=E^{<k>}E,\ E^{k}=\sum_{i=1}^{k-1}E^{i}E^{k-i},\ k\geq 1.$$

2-Таъриф. *Агар* $E^{<s>}=0$ *шартни қаноатлантирувчи бирор* $s\in \mathrm{N}$ *мавжуд бўлса, у ҳолда* E *эволюцион алгебра ўнг нильпотент дейилади.* $E^{<s>}=0$ *шартни қаноатлантирувчи энг кичик* s *сонига ўнг нилпотентлик индекси дейилади.*

3-Таъриф. *Агар* $E^{n}=0$ *шартни қаноатлантирувчи бирор* $n\in \mathrm{N}$ *мавжуд бўлса, у ҳолда* E *эволюцион алгебра нильпотент (ёки ниль) дейилади.* $E^{n}=0$ *шартни қаноатлантирувчи энг кичик* n *сонига нильпотентлик индекси дейилади.*

Л.М.Камачо ва бошқаларнинг мақоласида эволюцион алгебралар учун нильпотентлик ва ўнг нильпотентлик тушунчалари эквивалент эканлиги исботланган. Бундан ташқари, Ж.М.Казас ва бошқаларнинг мақоласида бундай алгебраларнинг структуравий константалар матрицаси юқори учбурчак (қуйи учбурчак, базис элементларини алмаштиришлар аниқлигида) шаклида бўлиши исботланган, яъни қуйидаги натижа маълум:

Қуйидаги жумлалар n-ўлчовли E *эволюцион алгебралар учун эквивалентдир:*

(a) E *га мос матрицани қуйидагича ёзиш мумкин:*

$$M_E=\begin{pmatrix} 0 & a_{12} & a_{13} & \dots & a_{1n} \\ 0 & 0 & a_{23} & \dots & a_{2n} \\ 0 & 0 & 0 & \dots & a_{3n} \\ \vdots & \vdots & \vdots & \dots & \vdots \\ 0 & 0 & 0 & \dots & 0 \end{pmatrix};$$

(b) E *ўнг нильпотент алгебра;*

(c) E *ниль алгебра.*

4-Теорема. E n*- ўлчовли ўнг нильпотент ҳақиқий (комплекс) эволюцион алгебра бўлсин. У ҳолда ихтиёрий* $\mathrm{x}\in E$ *учун* E_{x} *эволюцион алгебра ҳам ўнг нильпотентдир.*

Энди берилган алгебрага мос эволюцион алгебрани қуйидагича аниқлаймиз: эволюцион алгебра структуравий константалар матрицасини юқорида аниқланган $J_F(\mathrm{x})$ матрицанинг транспонирлангани сифатида қараймиз, яъни аниқланаётган эволюцион алгебра матрицаси $(\beta_{pk}(\mathrm{x}))_{p,k=1}^{n}$, бу ерда

$$\beta_{pk}(\mathrm{x})=\sum_i(\gamma_{ki,p}+\gamma_{ik,p})x_i. \qquad (2)$$

Бу эволюцион алгебра *берилган* A *алгебранинг транспонирланган Якобиан бўйича аппроксимацияси* дейилади ва $E^{T}_{A_{\mathrm{x}}}$ каби белгиланади.

1-Изоҳ. *Ли алгебрасининг (1) (ва (2)) бўйича аппроксимацияси тривиал эволюцион алгебрадир.*

1-Тасдиқ. A *ва* B n*-ўлчовли изоморф эволюцион алгебралар бўлсин. У ҳолда шундай* $\mathrm{x}\in A$ *ва* $\mathrm{y}\in B$ *мавжудки,* $E^{T}_{A_{\mathrm{x}}}$; $E^{T}_{B_{\mathrm{y}}}$ *бўлади.*

4-Таъриф. *Агар* $x^2 = 0$ *бўлса,* $x \in A$ *элемент абсолют нильпотент дейилади.*

5-Теорема. *If* x *элемент* A *алгебранинг абсолют нильпотент элементи бўлса, у ҳолда,* E_x *ҳам абсолют нильпотент элементга эга бўлади.*

6-Теорема. R^n $-$ R *майдон устидаги коммммутатив алгебра ва* $E_{\hat{x}}$ $-$ R^n *нинг* $\hat{x} \in R^n$ *(*$\hat{x}_i \neq 0, i = 1,...,n$*) нуқтадаги аппроксимацияси бўлсин. У ҳолда* R^n ***ягона*** *абсолют нильпотент элементга эга бўлиши учун* $E_{\hat{x}}$ ***ягона*** *абсолют нильпотент элементга эга бўлиши зарур ва етарли.*

5-Таъриф. L *вектор фазо "квадрат қавс" деб аталувчи бичизиқли акслантириш*

$$[-,-] : L \times L \to L$$

билан берилган бўлиб, барча $x, y, z \in L$ *учун*

$$[x,[y,z]] = [[x,y],z] - [[x,z],y],$$

Лейбниц айниятини қаноатлантирса, L *га* K *майдондаги Лейбниц алгебраси дейилади.*

Берилган $(L,[-,-])$ Лейбниц алгебраси учун юқори марказий кетма-кетликни қуйидагича аниқлаймиз:

$$L^1 = L, L^{k+1} = [L^k, L], k \geq 1.$$

6-Таъриф. *Агар* $L^n = 0$ *шартни қаноатлантирувчи шундай* $n \in N$ *мавжуд бўлса, у ҳолда* L *Лейбниц алгебраси нильпотент дейилади. Шундай* n *ларнинг энг кичигига* L *алгебранинг нильпотентлик индекси дейилади.*

Икки ва уч ўлчовли нильпотент Лейбниц алгебралари таснифлари мос равишда Лодэ ва Албеверио, Аюпов, Омиров мақолаларида келтирилган. Қуйидаги натижалар ушбу таснифларни ифодалайди:

L *икки ўлчовли нильпотент Лейбниц алгебраси бўлсин. У ҳолда* L *абель алгебраси бўлади ёки қуйидаги алгебрага изоморф бўлади.*

$$\mu_1 : [e_1, e_1] = e_2.$$

L *уч ўлчовли нильпотент Лейбниц алгебраси бўлсин. У ҳолда* L *қуйидаги ўзаро изомрф бўлмган алгебралардан бирига изоморф бўлади:*

λ_1 : абель,

$\lambda_2 : [e_1, e_1] = e_3,$

$\lambda_3 : [e_1, e_2] = e_3,\ [e_2, e_1] = -e_3,$

$\lambda_4(\alpha) : [e_1, e_1] = e_3, [e_2, e_2] = \alpha e_3,\ [e_1, e_2] = e_3$

$\lambda_5 : [e_2, e_1] = e_3,\ [e_1, e_2] = e_3,$

$\lambda_6 : [e_1, e_1] = e_2,\ [e_2, e_1] = e_3.$

2-Тасдиқ. *Икки ўлчовли нилпотент Лейбниц алгебрасининг ихтиёрий нуқтасидаги транспонирланган Якобиани бўйича аппроксимацияси ҳам нильпотент эволюцион алгебра бўлади.*

3-Тасдиқ. *Уч ўлчовли нилпотент Лейбниц алгебрасининг ихтиёрий нуқтасидаги транспонирланган Якобиани бўйича аппроксимацияси ҳам нильпотент эволюцион алгебра бўлади*

Диссертациянинг **“Уч ўлчовли эволюцион алгебралар занжирлари”** номли учинчи бобида уч ўлчовли эволюцион алгебралар занжирлари тавсифи олинган ва шу қурилган барча занжирлар учун бариклик хоссаси ўзини вақт бўйича қандай тутиши ўрганилган. Баъзи занжирлар умуман барик бўлмаслиги кўрсатилган. Бошқа (бариклик хоссасининг узилишига эга бўлган) занжирлар учун бариклик хоссасини бошқарувчи функцияларни аниқланди ва бу бошқарувчига қўйилган баъзи шартларда бундай занжирлар барик эмаслигини кўрсатилди. Шунингдек, ушбу бўлимда келтирилган эволюцион алгебралар занжирлари учун абсолют нильпотент ва идемпотент элементлари тўпламларининг вақт бўйича ўзини тутиши ва динамикаси ўрганилган.

$0 \le a < b \le \infty$ учун 3-ўлчовли **эволюцион алгебралар занжирлар**ини (қисқача ЭАЗ) $[a,b]$ кесмада қуйидагича аниқлаймиз:

$$\mathrm{E}_{[a,b]} := \{E^{[s,t]} : a < s < t < b\},$$

бу ерда ҳар бир $E^{[s,t]}$ уч ўлчовли эволюцион алгебранинг структуравий константалар матрицаси $M^{[s,t]}$ (аввалдан тайинланган B базисга мос) қуйидаги

$$M^{[s,t]} = M^{[s,\tau]} M^{[\tau,t]}, \text{ (Колмогоров-Чепмен тенгламаси).} \qquad (3)$$

тенгликни барча $a<s<\tau<t<b$ учун қаноатлантиради. Бу ҳолда биз $\mathrm{M}_{[a,b]} = \{M^{[s,t]} : a < s < t < b\}$ ни $\mathrm{E}_{[a,b]}$ билан боғланган Колмогоров-Чепмен (қисқача К-Ч) занжири деймиз.

Ушбу бобнинг бошида биз уч ўлчовли эволюцион алгебралар занжири тавсифини берганмиз ва биз уч ўлчовли эволюцион алгебралар занжирини (3) тенгликни қаноатлантирадиган 3×3 матрицаларни топиш орқали қурганмиз:

$$\mathrm{M}_0^{[s,t]} = \begin{pmatrix} 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 \end{pmatrix};$$

$$\mathrm{M}_1^{[s,t]} = \frac{1}{2}\begin{pmatrix} h(t)\left(\frac{1}{h(s)} + f(s)\right) & h(t)\left(\frac{1}{h(s)} + f(s)\right) & h(t)\left(\frac{1}{h(s)} + f(s)\right) \\ h(t)\left(\frac{1}{h(s)} - g(s)\right) & h(t)\left(\frac{1}{h(s)} - g(s)\right) & h(t)\left(\frac{1}{h(s)} - g(s)\right) \\ h(t)\left(g(s) - f(s)\right) & h(t)\left(g(s) - f(s)\right) & h(t)\left(g(s) - f(s)\right) \end{pmatrix};$$

$$\mathrm{M}_2^{[s,t]} = \frac{1}{2}\begin{cases} \begin{pmatrix} 1+\psi(s) & 1+\psi(s) & 1+\psi(s) \\ 1-\varphi(s) & 1-\varphi(s) & 1-\varphi(s) \\ \varphi(s)-\psi(s) & \varphi(s)-\psi(s) & \varphi(s)-\psi(s) \end{pmatrix}, & \text{агар } s \le t < a, \\ \begin{pmatrix} 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 \end{pmatrix}, & \text{агар } t \ge a. \end{cases};$$

$$\mathrm{M}_3^{[s,t]} = \frac{1}{\Phi_n(s)}\begin{pmatrix} f_n(t) & g_n(t) & h_n(t) \\ \varphi_1(s) f_n(t) & \varphi_1(s) g_n(t) & \varphi_1(s) h_n(t) \\ \varphi_2(s) f_n(t) & \varphi_2(s) g_n(t) & \varphi_2(s) h_n(t) \end{pmatrix},$$

бу ерда, $\Phi_n(s) = f_n(s) + \varphi_1(s) g_n(s) + \varphi_2(s) h_n(s) \ne 0.$

$$\mathrm{M}_4^{[s,t]} = \begin{pmatrix} 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 \\ \dfrac{\varphi(t)}{g(s)} & \dfrac{f(t)}{g(s)} & \dfrac{g(t)}{g(s)} \end{pmatrix}.$$

$$\mathrm{M}_5^{[s,t]} = \begin{cases} \begin{pmatrix} 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 \\ \varphi(t) & \psi(t) & 1 \end{pmatrix}, if\ s \le t < a, \\ \begin{pmatrix} 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 \end{pmatrix}, if\ t \ge a. \end{cases}$$

Шундай қилиб, биз юқорида келтирилган $\mathrm{M}_i^{[s,t]}, i = 0,1,2,3,4,5$ ларга мос $E_i^{[s,t]}, 0 \le s \le t$ ЭАЗларини ҳосил қилдик.

7-Таъриф. *Фараз қилайлик,* $E^{[s,t]}$ *ЭАЗ* (s_0, t_0) *вақт оралиғида* P *хоссага эга бўлсин. Агар шундай* $(s,t) \ne (s_0, t_0)$ *вақт оралиғи мавжуд бўлиб, бу орлиқда ЭАЗи* P *хоссага эга бўлмаса, у ҳолда ЭАЗнинг* P *хоссаси узилишга эга дейилади.*

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$\mathrm{T} = \{(s,t): 0 \le s \le t\};$$

$$\mathrm{T}_P = \{(s,t) \in \mathrm{T} : E^{[s,t]} - P \text{ хоссага эга}\};$$

$$\mathrm{T}_P^0 = \mathrm{T} \setminus \mathrm{T}_P = \{(s,t) \in \mathrm{T} : E^{[s,t]} - P \text{ хоссага эга эмас}\}.$$

Бу тўпламлар қуйидаги маъноларга эга:

$\mathrm{T}_P - P$ хосса давомийлиги;

$\mathrm{T}_P^0 - P$ хоссанинг йўқолганлик давомийлиги;

T тўпламнинг $\{\mathrm{T}_P, \mathrm{T}_P^0\}$ жуфтлиги P хосса диаграммаси дейилади.

Масалан, агар P=коммутативлик бўлса, у ҳолда эволюцион алгебра доим коммутатив бўлганлигидан ЭАЗ коммутативлик хоссаси узилишига эга эмас деган хулосага келамиз.

A алгебранинг характери – бу A даги нолмас мультипликатив чизиқли формадир, яъни A ни R га акслантирувчи нолмас алгебраик гомоморфизмдир. Барча алгебралар ҳам характерга эга бўлавермайди. Масалан, нол кўпайтмали алгебра характерга эга эмас.

8-Таъриф. *A алгебра ва унинг σ характеридан ташкил топган (A,σ) жуфтликка барик алгебра дейилади. σ гомоморфизм A алгебранинг оғирлик (ёки барик) функцияси ва $\sigma(x)$ эса x элементнинг оғирлиги (барик қиймати) дейилади .*

7-Теорема.

- *(Барикмаслик хоссаси узилишининг мавжуд эмаслиги) $E_i^{[s,t]}$, $i = 0,3$ алгебралар $(s,t) \in \mathrm{T}$ вақтда барик эмас.*
- *(Бариклик хоссаси узилишининг мавжудлиги) $E_i^{[s,t]}$, $i = 1,2,4,5$ ЭАЗлари бариклик хоссаси узилишига эга ва бариклик хоссаси давомийлик тўпламлари қуйидагича*

$$\mathrm{T}_b^{(1)} = \{(s,t) \in \mathrm{T} : g(s) = f(s) = \pm\frac{1}{h(s)}\} \cup \{(s,t) \in \mathrm{T} : g(s) = -f(s) = \frac{1}{h(s)}\};$$

$$\mathrm{T}_b^{(2)} = \{(s,t) \in \mathrm{T} : \varphi(s) = \psi(s) = \pm 1\} \cup \{(s,t) \in \mathrm{T} : \varphi(s) = 1, \psi(s) = -1\};$$

$$\mathrm{T}_b^{(4)} = \{(s,t) \in \mathrm{T} : g(t) \ne 0\}; \qquad \mathrm{T}_b^{(5)} = \{(s,t) \in \mathrm{T} : s \le t < a\}.$$

Энди “*абсолют нильпотент элементи ягоналиги*” хоссаси узилиши мавжудлик муаммосига жавоб берамиз.

$\mathrm{T}_{nil}^{(i)} = \{(s,t) \in \mathrm{T} : E_i^{[s,t]}$ ягона абсолют нильпотент элементга эга$\}$,

$\mathrm{T}_{nil}^0 = \mathrm{T} \setminus \mathrm{T}_{nil}$.

8-Теорема.

- *$E_i^{[s,t]}$, $i = 0,4,5$ ЭАЗлари ихтиёрий $(s,t) \in \mathrm{T}$ вақтда чексиз кўп абсолют нильпотент элементга ;*
- *$E_i^{[s,t]}$, $i = 1,2$ ЭАЗлари “абсолют нильпотент элементи ягоналиги” хоссаси узилишига эга ва “абсолют нильпотент элементи ягоналиги” хоссаси давомийлик тўпламлари қуйидагича*

$$\mathrm{T}_{nil}^{(1)} = \{(s,t)\in \mathrm{T} : h(t)\neq 0, f(s) < g(s) < \frac{1}{h(s)}, -f(s) < \frac{1}{h(s)}\};$$
$$\mathrm{T}_{nil}^{(2)} = \{(s,t)\in \mathrm{T} : -1 < \psi(s) < \varphi(s) < 1, t < a\};$$
$$\mathrm{T}_{nil}^{(3)} = \{(s,t)\in \mathrm{T} : f_n(t), g_n(t), h_n(t) - \textit{ишоралари бир хил эмас}\}.$$

9-Теорема. (1) $E_0^{[s,t]}$ *алгебра ягона* $(0,0)$ *идемпотент элементга эга.*

(2) $$\mathrm{I}d(E_1^{[s,t]}) = \begin{cases} \{(0,0,0)\}, \text{if } (s,t)\in\{(s,t)\in \mathrm{T} : h(t)=0\} \\ \left\{(0,0,0), \left(\frac{h(s)}{h(t)}, \frac{h(s)}{h(t)}, \frac{h(s)}{h(t)}\right)\right\}, \text{if } (s,t)\in\{(s,t)\in \mathrm{T} : h(t)\neq 0\} \end{cases}$$

(3) $$\mathrm{I}d(E_2^{[s,t]}) = \begin{cases} \{(0,0,0)\}, \text{if } (s,t)\in\{(s,t)\in \mathrm{T} : t\geq a\} \\ \{(0,0,0),(1,1,1)\}, \text{if } (s,t)\in\{(s,t)\in \mathrm{T} : s\leq t < a\} \end{cases}$$

(4)
$$\mathrm{I}d(E_3^{[s,t]}) = \begin{cases} \{(0,0,0)\}, \text{if } (s,t)\in\{(s,t)\in \mathrm{T} : F(s,t)=0\} \\ \left\{(0,0,0), (\frac{f_n(t)}{F(s,t)}, \frac{g_n(t)}{F(s,t)}, \frac{h_n(t)}{F(s,t)})\right\}, \text{if } (s,t)\in\{(s,t)\in \mathrm{T} : F(s,t)\neq 0\} \end{cases}$$

where $F(s,t) = f_1(s)(f_n(t) + \psi(s)(g_n(t))^2 + \varphi(s)(h_n(t))^2).$

(5)
$$\mathrm{I}d(E_4^{[s,t]}) = \begin{cases} \{(0,0,0)\}, \text{if } (s,t)\in\{(s,t)\in \mathrm{T} : g(t)=0\} \\ \left\{(0,0,0), (\frac{g(s)}{g(t)}, \frac{g(s)f(t)}{(g(t))^2}, \frac{g(s)\varphi(t)}{(g(t))^2})\right\}, \text{if } (s,t)\in\{(s,t)\in \mathrm{T} : g(t)\neq 0\} \end{cases}$$

(6) $$\mathrm{I}d(E_5^{[s,t]}) = \begin{cases} \{(0,0,0),(1,\psi(t),\varphi(t))\}, \text{if } (s,t)\in\{(s,t)\in \mathrm{T} : s\leq t < a\}, \\ \{(0,0,0)\}, \text{if } (s,t)\in\{(s,t)\in \mathrm{T} : t\geq a\}. \end{cases}$$

ХУЛОСА

Диссертация иши чекли ўлчовли алгебраларни эволюцион алгебралар билан аппроксимацияси ҳамда уч ўлчовли эволюцион алгебралар занжирларини тадқиқ қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. ҳақиқий сонлар майдони устида берилган уч ўлчовли эволюцион алгебралар таснифланди, ҳамда икки (уч) ўлчовли эволюцион алгебралар ва уларнинг идемпотентларига мос келадиган эволюцион алгебралар ўртасидаги изоморфизмлар қурилди;
2. ўнг нильпотент бўлган эволюцион алгебра аппроксимацияси ҳам ўнг нильпотент эканлиги исботланган;
3. икки ва уч ўлчовли нилпотент Лейбниц алгебраларининг аппроксимацияси ҳам нильпотент эволюцион алгебра эканлиги

кўрсатилган, бундан ташқари ушбу эволюцион алгебралар таснифи ҳам олинган;

4. уч ўлчовли эволюцион алгебралар занжирлари қурилган;
5. эволюцион алгебралар занжирининг абсолют нильпотент ва идемпотент элементлари тўламларининг вақтга боғлиқ динамикаси ўрганилган.

SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 INSTITUTE OF MATHEMATICS NAMED AFTER V.I. ROMANOVSKIY

INSTITUTE OF MATHEMATICS

IMOMKULOV ANVAR NORBOBOEVICH

APPROXIMATION OF FINITE DIMENSIONAL ALGEBRAS BY EVOLUTION ALGEBRAS

01.01.06-Algebra

ABSTRACT OF THESIS OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

Tashkent-2021

The theme of thesis of doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2019.1.PhD/FM315.

Thesis has been prepared at Institute of Mathematics named after V.I.Romanovskiy.

The abstract of the thesis is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (summary)) on the website http://kengash.mathinst.uz and in the website of "ZiyoNet" Information and educational portal http://www.ziyonet.uz/.

Scientific supervisor:	**Ayupov Shavkat Abdullaevich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Academician
Official opponents:	**Khudoyberdiyev Abror Khakimovich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences
	Karimjanov Ikboljon Abdulazizovich Doctor of Philosophy (PhD) physical and mathematical sciences
Leading organization:	**Karakalpak State University**

Defense will take place "13" February 2021 at 16:30 at the meeting of Scientific Council number DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 at Institute of Mathematics named after V.I. Romanovsky. (Address: University str. 4b, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz)

Thesis is possible to review in Information-resource center at Institute of Mathematics named after V.I.Romanovskiy (is registered №111). (Address: University str. 4b, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871)-207-91-40).

Abstract of the thesis sent out on «3» february 2021 year
(Mailing report № 2 on «3» february 2021 year)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI V.I.ROMANOVSKIY NOMIDAGI MATEMATIKA INSTITUTI

U.A.Rozikov
Chairman of Scientific Council
on award of scientific degrees,
D.F.-M.S., Professor

J.K.Adashev
Scientific secretary of Scientific Council
on award of scientific degrees, C.F.-M.S.

B.A.Omirov
Chairman of Scientific seminar under
Scientific Council on award of scientific degrees,
D.F.-M.S., Professor

INTRODUCTION

Actuality and demand of the theme of the thesis.

Numerous scientific and practical researches conducted worldwide are often brought to the study of some algebras using the non-associative algebras and the theory of algebraic systems. Algebraic tools are very useful in the study of the elementary particles in quantum mechanics, properties of solids and crystals, in problems of population genetics, in the analysis of modeled problems of economics, and in other matters. The foundations of modern algebra are based on the theory of finite groups and finite-dimensional associative algebras. The development of algebraic systems and their relationship to other fields of mathematics and physics led to the emergence of new algebras, including alternative, Jordan, Lie, Leibniz, genetic, and evolution algebras. Evolution algebras are important in the study of genetic populations. Therefore, the study of some properties of algebras by bringing them closer to evolution algebras is one of the actual and important tasks.

Today one of the important directions of modern algebra in the world is the study of the theory of evolution algebras. Evolution algebras are related to other fields of mathematics, including graph theory (especially random graphs and networks), group theory, Markov processes, and dynamical systems. Evolution algebras was first proposed by Lyubich in 1992 (under the name of evolutionary algebra). It should also be noted that Tian used the term evolution algebra in his monograph in 2008 and cited the applications and some properties of these algebras. After that interest in evolutionary algebras has increased dramatically. Note that the main focus of Tian's research was on the applied problems of evolution algebras. However, a natural approach to the study of a variety of finite-dimensional algebras, such as the construction of structural theory, has not been considered by him. Pioneering results devoted to the study of structural theory appeared in the works of Sh.A.Ayupov, B.A. Omirov, U.A. Rozikov and J.M. Ladra. In particular, the classification of 2-dimensional complex evolution algebras is obtained, the classical properties of nilpotent evolution algebras are described.

In recent years, our country has paid increasing attention to mathematics, physics, geology and biological sciences, which have a scientific and practical applications of fundamental sciences. In particular, special attention was paid to the development of the theory of evolution algebras, one of the main objects encountered in population biology and genetics. Significant results have been obtained in the study of evolution algebras and their chains. Investigations on the international level in such important areas as the functional analysis and algebra considered as the main task of fundamental research[1] . At the present time, the development of investigations on the theory of evolution algebras plays an important role in the implementation of this decree.

The subject and object of research of this thesis are in line with tasks identified in the Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan UP-4947 of February 7, 2017 “On the strategy of action for the further development Of the Republic of Uzbekistan", UP-2789 dated February 17, 2017 “On measures to further improve of the activities of the Academy of Sciences, organization, management and financing of research activities”, PP-3682 from April 27, 2018 “On measures to further improve the system of practical implementation of innovative ideas, technologies and projects" and PP-4387 from July 9, 2019 “On measures to further development of mathematical education and science, total improvement of the activity of the Uzbekistan Academy of Sciences V.I.Romanovsky Institute of Mathematics" and also PD-4708 from May 7, 2020 "On measures to improve the quality of education and research in mathematics" as well as in other regulations related to basic science.

